ХУШ КЕЛИБСИЗ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ АЗИЗ МЕҲМОНИ!

Бугун Ўзбекистон Республикасига Покистон Ислом Жумҳурияти Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф расмий ташриф буюради

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 126 (21. 225) 1992 йил 27 июнь, шанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

• ЎЗБЕКИСТОН—ПОКИСТОН: •

МУҲАММАД НАВОЗ ШАРИФ

● Покистон Ислом Жумҳурияти Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигидаги шу мамлакат ҳукумат делегацияси Ўзбекистонга келиши арафасида муҳтарам меҳмони мизнинг наслу насаби, у бошлиқ ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида газетхонларга қисқагина ҳикоя қилиб беришни лозим топдик.

Муҳаммад Навоз Шариф 1949 йилнинг 25 декабрида Лаҳорда туғилган. У мустақиллик даврининг миллий руҳда тарбияланган навқирон авлодига мансуб.

Навоз Шариф Лаҳордаги Ислом академияси ташкилотчиларидан биридир. Академия тингловчилари диний таълим билан бирга дунёвий илмлардан ҳам сабоқ оладилар. Шу ердаги машҳур меҳр-шафқат хастахонаси Навоз Шариф оиласи маблағига қурилган. Навоз Шариф истеъдодли талабаларга, етим-есирларга, бева-бечораларга, диний ва ҳайрия ташкилотларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатади.

У мамлакат сиёсий майдонига чиқишдан аввал Покистоннинг энг йирик вилояти бўлмиш Панжобда молия вазири, кейинги 9 йил ичида эса Бош вазир лавозимида ишлаган. Шу йиллар ичида вилоят ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берди. Халқнинг турмуш даражаси бироз бўлсада яхшиланди, вилоятда тартиб-интизом кучайди.

Муҳаммад Навоз Шариф 1990 йилнинг кузида Покистоннинг Бош вазири этиб тайинланди. Одатда бундай юксак лавозимлар таниқли ва машҳур сулолаларнинг вакилларига насиб қилар, сиёсий арбоблларнинг оилавий келиб чиқиши ҳам муҳим аҳамият касб этар эди.

Навоз Шариф сиёсий майдонда узоқ йиллардан бери ҳукм суриб келаётган бу анъанага ўзига хос тузатиш киритди. У мамлакат миллий сиёсатини белгилашда оддий халқ фикрига таянишни, унинг эҳтиёжларига қулоқ тутишни афзал кўрди. Навоз Шариф бошқа кўпчилик арбоблар қатори олий табақалар, нуфузли доиралар манфаатлари йўлидан бориши, ҳувур-ҳаловатини ўйлаши мумкин эди. Аммо бундай қилмади. Янги Бош вазир мамлакатда тинчлик ва тотувликка эришиш, сиёсий майдондаги тарқоқлик ва гуруҳбозликларга барҳам бериш, ночор халқ аҳволини яхшилашни ўз олдига ният қилиб қўйди.

Халқ бу ниятнинг самимийлигига ишонди. Қисқа вақт ичида Навоз Шариф катта ишончга сазовор бўлди. Чунки унинг сўзи ва иши бир эканлигини кўпчилик кўриб турарди.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаолият кўрсатаётган турли партиялар, гуруҳлар ва фракциялар раҳбарларини бир дунёқараш йўлида бирлаштириш ғоят мушкул иш. Буни вазир жаноблари яхши биладилар. Аммо, шу нарса ҳам аёнки, миллат ва мамлакат равнақи ҳаққи гина-кудурат, шахсий адоватни бир четга суриб қўйиб, ягона мақсад йўлида биргалашиб ҳаракат қилиш ҳам мумкин.

Навоз Шариф айни шу йўлдан борди. Натижада қарашлардаги маҳаллийчилик, табақачилик тушунчалари ортда қолиб, ягона умуммиллий манфаат майдони юзага келди. Яқин-яқингача бир-бирлари билан ошкора нифоқлашиб келаётган сиёсий кучлар Бош вазирнинг зукко раҳбарлиги ва ташкилотчилиги асосида Ислом демократик иттифоқига бирлашдилар. Сиёсий майдонда ошкора конфронтация йўли барҳам топди. Бу йўлни ҳамон давом эттираётганларни эса халқнинг ўзи рад этмоқда.

Бош вазир ташқи сиёсат борасида мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, янги дўстлар орттириш йўлини танлади. Лавозимига якдиллик билан тайинланганлиги унга бу борада қатъий ва кескин ҳаракат қилиш имконини беради. Навоз Шариф ўз ўтмишдошларига нисбатан анча тадбиркор, фидойи, миллат манфаатлари йўлида собит раҳбардир. Бош вазирдаги бу фазилатлар мураккаб шароитларда, тазйиқлар пайтида, айниқса, яққол намоён бўлади. Шу боис, Покистон халқи уни севади, ҳурмат бажо келтиради.

Ўзбекистон халқи жаноб Муҳаммад Навоз Шарифнинг юртимизга ташрифини мамнунлик билан кутиб олмоқдалар. Бу визит ҳар иккала мамлакатни, халқларимизни бир-бирига яқинлаштиради, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кучайтиради, деб умид қиламиз.

А. МЕЛИБОЕВ.
(ЎзА).

Tabani GROUP OF COMPANIES



ТАБАНИ ГРУП ОФ КОМПАНИЗ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ПОКИСТОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИНИНГ БОШ ВАЗИРИ МУҲАММАД НАВОЗ ШАРИФНИ БУГУНГИ КУНДА ОСИЁ ҚИТЪАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ, БУ ОЛИЖАНОБ ИШГА ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ УЧУН УЛАРГА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ.

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ МУҲАММАД НАВОЗ ШАРИФНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ИККИ МАМЛАКАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧДИР. БУ УЧРАШУВ ИПАК ЙЎЛИДАГИ ИККИ БУЮК ХАЛҚ ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА ИШБИЛАРМОНЛАР ДУНЁСИ ОЛДИГА ҚЎЯДИГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШГА ТАБАНИ ГРУП ОФ КОМПАНИЗ ҲОЗИРУ НОЗИР.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАБАНИ ГРУП ОФ КОМПАНИЗ РЕСПУБЛИКАГА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРДИР. ЎЗБЕК ТАДБИРКОРЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА КОРХОНАЛАР ОЧИШ ВА ҚАРДОШ ЖУМҲУРИЯТЛАР ЎРТАСИДА ҲАР ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИШГА ҚИЗИҚҚАН БАРЧА КИШИЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛИШИ АЙНИ МУДДАОМИЗДИР.

ТАБАНИ КОРПОРЕЙШН ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ
700100, Тошкент, Микробод хўчаси, 158.
Телефонлар: 54-06-70, 54-09-49, 54-07-98, 55-35-49.
Факс: 54-08-30. Телекс: 116416 TBANI SU

Бошқарувчи
МУҲАММАД АББОС ХОН

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх 26 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовга ишонч ёрлиқларини топширди.

Элчи Покистон Ислом Республикасининг Президенти ва Бош вазир номидан Ўзбекистон халқига ва Президент И. А. Каримовга самимий истаклар билдирди. Элчи унинг мамлакати мустақил Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам бермоқчи эканлигини айтди. Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашишни элчи ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

И. А. Каримов ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади, деб ишонч билдирди. Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи бунинг яққол далилидир, бу ташриф, шубҳасиз, мамлакатларимиз манфаатлари йўлида муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Республика Президенти Покистон элчисига масъул лавозимдаги ишида муваффақиятлар, шахсий ҳаётида бахт-саодат тилади. И. А. Каримов билан Шафқат Али Шайх ўртасида самимий, дўстона суҳбат бўлди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ҚЎШНИМИЗ—ПОКИСТОН

● Мустақил Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг мафкуравий ва сиёсий ақидаларидан қутилганидан кейин дунё мамлакатлари, хусусан, қўшни давлатлар билан алоқа ўрната бошлади. Булар орасида Покистон муҳим ўрин олади.

Бу мамлакатнинг шимолий чегараси республикамизнинг жанубий чегарасидан атиги бир неча 100 километр нарида. Бироқ амалий ишлар соҳасида шерик излаб бу мамлакатга эътибор берилаётганининг асосий сабаби фақат шу эмас, албатта. Покистон билан Ўзбекистоннинг тарихий тақдири кўп жиҳатдан ўхшаш, мамлакатларимиз халқларининг дини, маданияти, урф-одатлари, анъаналари муштарак. Покистонликларнинг 98 фоизи — мусулмон. Иқтисодиётнинг тузилишида ҳам ўхшашлик кўп. Мана шуларнинг ҳаммаси кенг миқёсда ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш учун яхши имконият очади. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик 1989 йилда бошланган бўлса-да, ҳозир бу соҳадаги ишлар жуда юришиб кетди.

Покистоннинг тўқимачилик саноати тараққий этганлиги бутун дунёда маълум. Мамлакат йилига салкам 1 миллион тонна пахта етиштиради, 300 минг тоннадан кўпроқ калава ип, 600 миллион метрдан зиёд газлама ишлаб чиқаради. Собиқ Иттифоқда ҳеч кимга деярли маълум бўлмаган Покистон фирмаларининг юқори сифатли матолари ҳозир Ўзбекистонда ҳам ҳаммага маълум. «Табани корпорейшн» фирмаси бу тармоқда ҳамма эътироф қилган ишбошилардан биридир. Унинг вакили 1989 йилда Ўзбекистонда расмий равишда жойлаштирилган эди. Фирма билан халқ истеъмоли моллари етказиб бериш ҳақида бир неча 10 минг Америка доллари миқдорида шартномалар тузилган. Ҳозир бу фирма Ўзбекистондаги ташкилотлар билан биргаликда сайру саёҳат тадбиркорлигини йўлга қўйиш соҳасида ишламоқда.

Ўзбекистон ташқи савдо ташкилотлари, жумладан, «Интералоқа» ташқи иқтисодий бирлашмаси билан Покистоннинг бошқа фирмаси — «Метро гарментс индастриз» ўртасида яхши муносабат вужудга келди. Шу фирма билан кўп миқдордаги молларни бартер усулида айирбошлаш иккала томонга дуруст манфаат келтирди ва бундан буёнги ҳамкорлик учун яхши негиз яратди.

Шу йилнинг май-июнь ойларидагина Ўзбекистон ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари Покистондаги 15 та машҳур фирма билан музокара ўтказди. Улар орасида «Метро гарментс индастриз», «Даун», «Пиа», «Хайвер гроуп», «Юнайтед дистрибью терз Пакистан ЛТД» ва бошқа фирмалар бор.

(ЎзА).

• Ўзбекистон—Қозоғистон:

ДЎСТЛАРНИНГ ТУҲФАСИ

Икки мустақил давлат раҳбарларининг Туркистон шаҳридаги учрашувида Президент Ислом Каримовга қадимий халқ одатига кўра от билан туя туҳфа қилинган эди. 25 июнь куни Тошкентда, Халқлар дўстлиги саройи ёнида туҳфани тантанали топшириш маросими бўлди.

... Оппоқ тулпор ётсираб қулоқларини диккайтиради, атрофга олазарак қарайди. Бизнинг қорабайир зотидан бўлган қозоқча жебе наслига мансуб олти яшар Оқбўз Хўжа Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ диёрдан келтирилди. Дашт жонивори ўз атрофида шунча одам тўпланишига, ҳатто гуллар билан кутиб олинишига одатланмаган эди... Чиройли ёпқич билан безатилган бўталоқ ҳам ҳайрон бўлсада, пинагини бузмайди. Ҳайрон бўлиш менга ярашмайди, деб ҳисоблаётган бўлса ажаб эмас: минг йиллаб муқаддам унинг аждодлари Туркистондан буюк ипак йўли бўйлаб Чочга қатнар эди. Улар қўнғироқларини жиринглатиб неча куну тун чарчаш нималигини билмай йўл юрар эди. Мана бу бўталоқ эса автофургонда бир неча соат ичида бу йўлни осонгина босиб ўтди. Бу ерда дўстлик ва яхши қўшничилик ҳақида, анъаналарга садоқат ҳақида, қозоқ ва ўзбек халқлари кўп асрлар давомида дўстлик туфайли тарихимизнинг қийин даврларида бир-бирларига кўмаклашиб келганликлари ҳақида, келажак режалари ҳақида, ҳали истиқболда ҳамнафас бўлиб кўп йўл босиб ўтилиши тўғрисида бир талай яхши сўзлар айтилди.

Қимматбаҳо туҳфа Тошкентдаги Республика отчопари ходимларига асраш учун топширилди.

(ЎзА мухбири).

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмасининг қарори эълон қилинди. Унга кўра, йилнинг энг яхши журналистика асарлари учун ўтказилган танловда ғолиб чиққан ижодкорлар уюшманинг лауреати нишони ҳамда дипломи билан мукофотландилар.

● Совриндорлар орасида «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Расул РАҲМОНОВ билан Ўзбекистон Президенти девонининг масъул ходими, газетамиз таҳрир ҳайъатининг аъзоси Шароф УБАЙДУЛЛАЕВлар бор. Бу икки ижодкор Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган ижтимоий-иқтисодий ва маданият мавзуидаги мақолалари туркуми учун шу юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

Ушбу қувончли хабар газетамиз бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Расул Раҳмонов туғилган кунининг 60 йиллигига тўғри келганлиги муҳарририят жамоаси кўнглидагидек иш бўлди.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси барча совриндорлар қатори ўзи танлаган ва бир овоздан бош муҳаррирликка сайлаган Расул Раҳмоновни ҳамда Шароф Убайдуллаевни муборакбод этар экан, уларга узоқ умр, мустаҳкам саҳат-саломатлик ва ижодий парвозлар тилайди.

● Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Расул РАҲМОНОВни туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан табриклаш йўллади. Уюшма республикамизнинг барча журналистлари ва ижодий ходимлари номидан юбилярни чин дилдан қутлаб, унга саҳат-саломатлик, ижодий муваффақиятлар ва шахсий ҳаётида бахт-саодат тилади.

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ

УНДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

● Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биносида Халқ демократик партияси тимсолининг энг яхши тасвири танлови учун тақдим этилган тасвирий ишлар кўргазмаси ўз ишини давом эттиряпти.

Рўзномамизда ана шу танловдан кутилган мақсад ва уни ўтказиш шартлари ҳақида хабар берилган эди. Унинг шу йил 1 июлда якун ясаладиган биринчи босқичида ишларни қабул қилиш ва дастлабки танлов амалга оширилади.

ХДП Марказий Кенгаши партия ички ишлари бўлими мудирининг ўринбосари А. Акромхўжаевнинг бизга хабар беришича, танловда Фарғона, Сирдарё, Наманган вилоятлари район, шаҳар партия ташкилотлари фаол иштирок этдилар. Танлов комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилган партиянинг тимсоли намуналари ва эскизларининг кўпчилик қисми ана шу ерлардан келтирилган.

Танловда Тошкент ва республиканинг бошқа шаҳарлари мусаввирлари ҳам якка тартибда қатнашмоқдалар. Улар орасида қизиқарли тимсол тасвири намуналари ва эскизларини тақдим этган В. Шарофиддинов, К. Назаров ва бошқа кўпгина мусаввирлар бор.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозиргача Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Бухоро, Самарқанд вилоятлари партия ташкилотларидан танлов комиссиясига биронта ҳам тасвир тақдим этилгани йўқ. Республика пойтахтида ижодий кучлар кўп эканлигига қарамай, Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳам бу ишга етарли масъулият билан ёндашмаяпти. Бундай пайтда кўпчилик партия кенгашлари танловга фаол иштирок этиш ўрнига яна кутувчанлик мавқеида туришибди, деган фикр ўз-ўзидан келиб чиқади, албатта. Наҳотки, қадрдон партиямизнинг байроғи, нишони ёки вимпелининг қандай бўлиши уларни қизиқтирмаётган бўлса?

Танлов якунланишигача қолган даврда ХДП кенгашлари ўз ҳудудларидаги ижодий зиёлиларни ва жамоатчиликни бу муҳим тадбирга жалб этиш учун қўлларидан келган барча ишни қиладилар, деб ишонамиз.

Суратларда танловга тақдим этилган партия тимсоли тасвири намуналари ва эскизларидан айримларини кўриб турибсиз.

М. БОЛТАБОЕВ тасвири.

ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШСА...

Ўша кунги воқеа келесликларнинг хаёлига михлангандек сира унутилмайдиган бўлиб сақланиб қолди.

...Кечга яқин ҳавонинг авзойи бузилди. Кўк юзига тортилган қора парда тобора қуюқлашиб, чақмоқнинг ўтли тиғи булутлар бағрини тилкалай бошлади. Бир-икки томчилаб турган ёмғир бирдан челакдан қуйгандек селга айланди. Сўнг катта дарё оқимидек гувуллаган овоз ҳаммаёқни тутиб кетди. Ариқни тўлдириб ҳайқириб оқаётган сув бир зумда тошиб, атрофдаги ҳовлиларга кира бошлади. Тиззага, сўнг белга чиқди, елкагача кўтарилди. Уй ва ҳовлиларда шолча, кигиз, гилам, ўринкўрпалар сув юзида қалқиб суза бошлади. Пойдевори бўш, пахса деворли биноларга намга дош беролмай нураб емирилди.

— Ўн беш дақиқа ўтар-ўтмай бутун ҳокимият еппасига, худди маслаҳатлашгандек, фожиа рўй берган маҳаллага етиб келдик, — дейди Тошкент райони ҳокими Рустам Акбаров ўша кунги воқеани эсларкан.— Дарҳол Тошкентдаги мутасадди ташкилотларни воқеадан хабардор қилиб, сўнг одамларни қутқаришга киришиб кетдик. Бу ишда бутун Келес шаҳри аҳолиси қатнашди, десам янглишмайман. Тун қоронғусида сув кечиб хонадонма-хонадан юриб кишиларни хавфсиз жойга олиб чиқдик. Тонгга яқингина ариқдаги сув тортила бошлади. Эрталаб қайта кўздан ўтказганимизда беш юздан кўпроқ хонадоннинг селдан жиддий зарар кўргани маълум бўлди. Кўп ўтмай, республика Бош вазири А. Мутолов бошлиқ ҳукумат аъзолари воқеа содир бўлган жойга етиб келгач сел оқибатларини тугатиш бўйича ишларни бошлаб юбордик. Бу юмушларни бошқариб туриш учун махсус штаб тузилди.

— Рустам Раҳбарович, сел ёққандан бери орадан бир ҳафта вақт ўтди. Ана шу давр ичида зарар кўрган хонадонларга қандай амалий ёрдам кўрсатилди?

— Биласизми, одамларнинг бир-бирига муносабати бошга ташвиш тушганида билинаркан. Ўша куниёқ кишилар биздан қандай ёрдам керак, деб штабга кела бошлашди. Райондаги корхона, завод ва фабрикалар, қурилиш ташкилотлари, жамоа хўжаликларининг ҳар бирига ўнтадан хонадонни биркитиб қўйдик. Улар уй-жой қурилишида ана шу хонадонларга ёрдам беришади. Булардан ташқари ҳар бир оилага 5 минг сўмдан пул ва қурилиш материаллари олишда ёрдам кўрсатамиз. Барча хонадонларга емак-ичмакдан ҳам кўмаклашиляпти. Вилоят матлубот жамияти аҳолига сотиш учун иккиуч ойлик норма миқдорида озиқ-овқат маҳсулотларини ажратди. Давлат банкида махсус ҳисоб очдик. Топган бир даста гул, топмаган бир боғ пиёз деган гап бор халқимизда. Бир ойлик маошдан тортиб 10—20 минг сўмгача пул ўтказаётган одамлар кўп. Зангиота ва Қибрай районлари ҳокимликлари қурилиш материаллари билан қарашяптилар. Хуллас, қишгача ҳеч ким кўчада қолмайди. Ўзингиз тушунасиз, бу ёғи ўзбекчилик, ҳеч кимни ўкситиб қўймаймиз. Барча зарур ёрдамни берамиз. Бунга селдан зарар кўрган одамларнинг имони комил бўлсин.

Район ҳокими ҳақ гапни айтди. Халқимиз лозим бўлганида дардли одамнинг дардкаши бўлади. Ана шу удумдан қўймасин.

Р. ҚОДИРОВ.

● Янги чопон кийсам ит қўймайди, эски чопон кийсам бит қўймайди... Отаболаримиз қадим ҳасадгўй кимсалар жонига тегиб кетгач, шундай деганлар. Жумҳуриятимиз Истиқлолини узоқ йиллар кутганимиз Мустақилликка эришгач, бу муқаддас кун, озодлигу эркин меҳнатимиз, кўкрагимизни баланд кўтараётганимизни, очиғини айтганда, баъзилар кўролмаяпти. Айниқса буюк адиб Николай Васильевич Гоголь яратган антиқа образ — Хлестаков сиймосига ўхшаб, қадимий Туркистонимизда кезиб, бу рўйи заминдаги жонланиш, матонатли меҳнат, порлоқ ишларни, яхши ҳаёт учун курашимизни, меҳнату интилишларимизни кўрсалар ҳам ўзларини кўрмасликка олиб, фақат тирноқдан кир излаб, оғизларига келганича вайсақилик қилмоқдалар. Танқид керак, адолатли ва ҳалол танқидни уста жарроҳга ўхшатиб келганмиз. Жарроҳ инсонга ҳаёт бағишлайди, жаллод эса жонни олади.

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЖОНГА ТЕГДИ

• «ИЗВЕСТИЯ» ГАЗЕТАСИДА БОСИЛГАН «МОСКВАСИЗ ЎРТА ОСИЁ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

«Известия» газетасида (24—25 июнь, 1992 йил) яна галдаги «Москвасиз Ўрта Осиё» деган мақола эълон қилинди. Илгариги носоғлом ҳақиқатдан узоқ мақолаларни ўқиб, куйиниб, ёниб қаттиқ андуҳ тортиб, жавоб қилишга интилардик. Бирадарларимиз бизни фақат сўкади, биз исбот ахтариб жавоб бериб келдик. Ўртадаги меҳр-оқибат, қардошлик туйғуларига раҳна тушмасин, танқид яхши, танқид — келажакнинг меваси, дердик. Кенглик ва босиқлик қилиб келдик. Чунки машҳур ойномани қадимдан ҳурмат қилишга одатланганмиз, билмадим, бу одатимиз тўғрими нотўғрими, ҳар қалай ёзилган нарсага қисман тўғри бўлса ҳам майли чидаш керак, дердик. Оқибат натижада баъзи хлестаковнамо укачаларимиз маълум соҳаларга жавобгар кишилар, конкрет одамлар қолиб, тўғридан-тўғри жумҳуриятнинг раҳбарларига тегишга одатланганлар ва бу билан шуҳрат топмоқчи бўлардилар. Улар «Мен танқид қиламан, сен эшит» қабилида иш тутмоқдалар. Улар ўз нуқсонлари ҳақида чурқ этмайдилар. Улар паришталар. Газета бир томонлама иш тутаётганини ўзи сезармикан? Фақат Россия ва Оврўпо (агар адабиёт ҳақида гапирадиган бўлсак, на Навоий, на Низомий, на Махтумқули, на Абай, на Рудакий-ю Садриддин Айний ҳақида сўз айтадилар) Шарқ маданияти арбоблари, фотоматериал йўқ. Ҳатто Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маданияти арбоблари, улуғ меросу беқиёс миллий анъаналари ҳақида чурқ этмай келмоқдалар. Туз ичган ерингни унутма, деган халқ нақли бор, ҳатто ўзбек тупроғида вояга етиб, ўсиб, илм олиб, балоғатга етиб, Москвага бориб, катта рўзнома ҳайъатидаги менинг эски ошналарим ҳам жиндак андишага бормаётирлар. Умумий сўзлар билан бутун бир халқни иккиюзламчиликда айблашни нима деб атамоқ мумкин: «...ещё совсем недавно ровностно возвеличивающие учение Маркса, истова молятся в сторону Мекки». Ким ўшалар инсоннинг эътиқоду иймонига тош отиш, асоссиз сўкиш гунох эканини билармиканлар? «Комсомольская правда» (16 июль, 1991 йил) саҳифасидаги бир мақолада «Амстердам, как известно настоящая Мекка проституции...», деган эди. Бу ёзувлар, муқоисалар кишини ғазаблантирмайдими? Газета шу мақолада Шароф Рашидов номига норасо гаплар айтиб жириллайди. Падаркушлик, отабезорлик ўзбек халқи ҳарактерига ёт. Бу покиза инсоннинг обрўсини тиклаб қўйиш йўлидаги ҳамма ишлар тўғри, халқ «янглишсак» сочи бўйнига осилиб тушган, авлиё акачаларимиз бизни мана бундай «доно» сўзлар билан тўғрилаб, «катта пода»ни йўлга солиб туришлари керак. Ҳаддимиздан ошмаслигимиз, ҳатто ноҳақ айбланган Шароф Рашидовни ҳам тилга олмаслик, унинг руҳи покини ҳақорат қилмоқлик керакми! Дунёдан ўтган кимсанинг ортидан ҳақоратлаш муқаддас Ҳадисларда ҳам қораланади. Жумҳуриятимиз ишига жонини берган, покиза инсон қадру обрўсини тиклаб қўймоқ мард инсоннинг иши. Шу ишимизни ҳам кўролмай, жириллаб талвасага тушаётган, минбардан фойдаланиб, жаҳон афгор оммаси олдида бизни бадном қилмоқчи бўлаётганлар янглишади! Бу туҳматомуз гапларга ҳеч ким ишонмайди, ачишиб, дод солиб, бақирганча қолаверадилар. Аммо қадрдонимиз, азизимиз Шароф ака бир дам тупроқдан бош кўтариб у ёқ-бу ёққа қараганларида, кимлар жумҳуриятнинг дўсти, кимлар хоин эканини билган бўлардилар. Жумҳуриятнинг ҳамма дарвозаларини очиб, келинглар азизларим, сизлар томонда узуму нашвати битмайди, бу ёққа келиб енглар, сизлар томонда пахтаю қоракўл йўқ, хоҳлаганча олинглар, уран олинглар, тилла олинглар, Менделеев жадвалидаги ҳамма нарса бизда бор, қопингизга сиққанича олинглар, деган инсон ҳозир улар учун душманми?! Ота-онани билмаган йигитчалар учун аждод қадри йўқ, улар шайтону алайҳу лаъна хизматидадур.

Ёр ютганда ёт яхши, қон ютганда қариндош... Агар нуқсон керак бўлса, биз ўзимиз ўша мухбирга топиб берардик, нуқсону муаммоларни айтишдан қўрқмаймиз, камчиликларимиз маълум. Лекин каминага алам қиладиган жойи шуки, жумҳуриятда қанча адолатли ва тажрибали журналистлар туриб ёки улар билан маслаҳатлашмай, кўчадаги бир одамнинг сўзи билан мустақил давлат танқид қилинади: Ажабо, ўзи ўзимиз мустақилмизми ёки ҳали ҳам қараммизми? Жумҳуриятдаги журналистлар, адиблар наҳотки инсофсиз бўлсалар! Ишонмайман! Бир мен эмас, икки буюк дарё оралиғидаги рўйи заминда бундай бўхтонларга мутлақо ишонмайдилар. Лекин бу носоғлом гаплар бошқа дарёлар орқасидаги халқларни чалғитади, мана шуни кўзлаб иш тутилаётгани ҳаммага маълум.

Кечагина менинг қаламкаш дўстим, бош муҳаррир Рубен Сафаров газетада («Правда Востока», 20 июнь 1992 йил) Қуръон ўзбек тилида деган кичик ахборотни босиб, рўпарасига жалта этак бир қизнинг орқасини тўппайтирилган фото суратни босди. Бу ҳақда менга кўп одамлар телефон қоқиб, ҳафа бўлишганини айтишди. Миллий республикалар урф-одати виждон, эркинлигини ҳурмат қилиш, одобли бўлишни тушунтириб қўйиш керак эмасмикан!

Ҳар бир халқнинг ўз миллий хусусияти бор, унга нисбатан ҳурматсизлик, нописандлик кишида ғазаб қўзғайди. Катта газетамиз кичик газетага одоблик бўл, қардошликка раҳна солма, тузлуққа тупурма деса бўлмасмиди! Эркин фикр айтиш керак бўлса, шуни айтаманки, ўтмишнинг буюк кишиларининг ҳаммасини битта қўймай қоралаш бу хатобу бизни ташвишга солади. Мир Алишер Навоий, Улуғбек, Амир Темурлар қаддини тиклашда, «пахта иши» ва бошқа туҳмат номалар билан ноҳақ қамалганларни дўзахдан тортиб олишда, Наврўз байрамию дини Исломни тақиб этишдан сақлашда, она тилимизга давлат мақомини беришда, иқтисодиётимизга алоқадор жуда кўп ишларни юзага чиқаришда халқ ва Президентимиз, ҳукуматимизнинг хизмати катта эканини кўролмаган кимсалар, мана ўз башарасини кўрсатмоқдалар! Ишлаш керак, қуруқ гап сотишлар даври ўтди! Яхшиликни ҳам кўриш керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Эрк» демократик партияси, «Бирлик» ва бошқа партия ва жамиятлар катта иш олиб бормоқдалар, кўриб турибмиз, биз улар фаолиятига муваффақиятлар тилаймиз. Ҳаммамизнинг мақсадимиз — жонажон жумҳуриятимиз равнақи, халқ фаровонлиги, адолат тантанаси... Бу шунчаки шнор гаплар эмас, камина минбарлардан ваъз айтган эмас, бу менинг юрак сўзларим. Гапириб, ақл ўргатиб кетаверадиганларни ёмон кўраман. Ҳар ким ўз вазифасини яхши бажариши, гапига амал қилиши керак. Раҳбарлар ҳам ўз маҳкамаларидаги Яголар, гап чақиштириб, одамларни бир-биридан жудо қиладиганлардан қутилиши лозим. Шундай шахслар бор, оғаинини бир-биридан совутадиган кимсаларга худо кўрсатсин!

Ўз юртини билмай, бирон миллий ва ғўзал қишлоқда бир кеча қолмай, Тошкентдан чиқмай, Америкага, Францияга интиладиган кимсалар, ўзини ўзбекман, ўзбекистонликман, дейдиган кимсаларга аввал ўз уйингни яхши билиб ол! Агар ўз уйим, ўлан тўшагим, десанг кўча-куйда изғиб юрган бундай мухбирчаларга ҳар нарсани вайсаб Мустақилликка томон эришиш учун кетаётган жангда оёқ остида туриб, ҳалақит берма, дегим келади. Биз курашаётирмиз, оёғимиз остига тариқ сочма, отимиз йўлига хандақ қазима, дегим келади. Менинг баъзи дўстларим, биз мустақилликни қонсиз, ўт-оловсиз олдик, дейдилар, йўқ, азизим, хушёр бўлмоқ лозим, даҳнаки жанг авжида. Ҳозирги тинчлик сиёсати учун олиб борилаётган ҳамма ишларни қўллаб-қувватламоқ Ўзбекистон фарзандлари учун муқаддас бурчдир.

МАЖЛИС БЎЛДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг навбатдаги, мажлиси бўлди. Мажлисни комитет раиси Э. Ҳўжаев бошқарди.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳақида», «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»гқ қонунларнинг лойиҳалари, Ўзбекистон Республикасининг «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида», «Биржа ва биржа фаолияти ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотларига аъзо бўлиши тўғрисида»ги қонунларининг лойиҳалари муҳокама қилинди. Муҳокама этилган қонун лойиҳалари умуман маъқулланди. Олий Кенгаш Раёсатидан уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этишни сўрашга қарор қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлат банкининг 1991 йил, 1992 йилнинг биринчи чорагидаги фаолияти ҳақидаги ҳамда бу йилги давлат ягона пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини тасарруф этиш тўғрисида», «Маҳаллий Советлар, идоралар, жамоат ташкилотларининг Тошкент шаҳридаги уй-жой фондини хусусийлаштириш ҳақида», «Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар (коммунал) мулкига ажратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида», «Хусусийлаштирилмайдиган ва ижарага берилмайдиган корхоналар ва мол-мулк турлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги масалалар ҳам кўриб чиқилди. **(ЎзА).**

ТАДБИРКОРЛИК —ДАВР ТАЛАБИ

МАҲСУЛОТЛАРИ ЭЛГА МАНЗУР

Хайрулла Саъдуллаев асли Бешариқдан. Замона зайли билан Тошкент шаҳрида яшаб, рўзғор қуриб ишлаб қолди. Ўзи Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган. Касби—мебелчилик.

Тошкентдаги «Ўзбекмебель» бирлашмасида узоқ йиллар турли лавозимларда ишлади. 1990 йили Бешариққа келгач, аҳволни ўрганиб, одамларни иш билан таъминлаш мақсадида бу ерда мебель фабрикаси қуриш керак, деган таклиф киритди. Албатта, йўқ ердан бор қилиш ўта мушкул вазифа. Зеро, Бешариқда мебелчи усталар ҳам йўқ. Шароит ҳам яхши эмас эди.

Аммо район раҳбарияти Хайрулла аканинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. «Бешариқ» давлат хўжалиги ҳудудидан бўлғуси фабрика учун ер ажратиб берилди. Ҳайрулла аканинг ўзи қурилиш дирекциясининг бошлиғи бўлди. Ўша кунлариёқ касб-ҳунар эгаллашга ишқибоз 20 йигитни саралаб Тошкент мебель фабрикаларига олиб келди. Йигитлар бу ерда мебель ясаш сир-асрорларини ўргана бошладилар.

Қисқа муддатда асосий фондлари 4 миллион сўмликни ташкил этадиган фабрика биноси қурилди. Тошкентдаги мебель фабрикалари турли дастгоҳлар, асбоб-ускуналар билан ёрдам беришди. Кўп ўтмай Бешариқнинг дастлабки мебель маҳсулотлари чиқарила бошланди.

Ҳозир корхонада диван, кресло, турли шкафлар, тошойналар, болалар кровати, стол-стуллар, хуллас 15-16 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Фабрика жамоаси ёш бўлишига қарамай,

бу ерда тайёрланган маҳсулотлар сифатли, бежирим. Энг муҳими, бошқа корхоналар маҳсулотларига нисбатан арзон. Бешариқ шаҳрида фабриканинг ўз фирма магазини бор. Магазинда доимо харидорлар гавжум. Зеро, бу ерда сотилаётган стол-стул, диван ва бошқа буюмлар ўша дўконлардаги шундай буюмларга нисбатан 12-13 фоиз арзондир.

Сабаби: Хайрулла Саъдуллаев бошчилигидаги маъмурият тадбиркорлик кўрсатиб, ўтган йили тахтаёғочни кўп миқдорда ғамлаб қўйган эди. Сир эмас, кўплаб саноат корхоналари шартномаларнинг бузилиши туфайли хом ашё танқислигига дуч келди. Аммо Бешариқ мебель фабрикаси бир кун ҳам тўхтагани йўқ.

Шу йилнинг ўзида вилоятнинг бу кенжа корхонаси 12 миллион сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирган. Тўрт ойда 4,5 миллион сўмлик буюмлар тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Фабрика маҳсулотлари Фарғона вилоятидан ташқари Сурхондарё, Тошкент вилоятлари, шунингдек Россия Федерацияси шаҳарларига ҳам етказиб берилмоқда. Сайдулла Ҳошимов, Мурод Эргашев, Ҳусан Жўраев сингари дурадгор-ишчилар бошқаларга намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Корхонани янада кенгайтириш нияти бор. Бу борада баъзи бир амалий ишлар ҳам бошлаб юборилди. Масалан, айни кунларда Чехословакиянинг «Инвеста» акционерлик жамияти билан ҳамкорликда гобеленлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона қуриш юзасидан музокаралар олиб бориляпти. Гобеленларнинг безаклари шарқона бўлади. Яқинда фирма вакили жаноб Юлиус Влчек Бешариқда бўлди.

⊙ Бешариқнинг кенжа корхонасида «Ўзбекистон» овози» газетасини севиб ўқишади. Корхона жамоаси касаба уюшмаси билан биргаликда ўтказган йиғилишда фабрикада ишловчи юз нафар кишининг ҳаммаси йилнинг иккинчи ярми учун «Ўзбекистон овози»га обуна бўлди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: 1. Корхона бошлиғи Х. Саъдуллаев. 2. Ўз маҳсулотингдан ҳар қанча фахрлансанг арзийди. 3. Ёш ишчи З. Қодирова.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

• СПОРТ •

● ОЛИЙ ФУТБОЛ жамоалари Ўзбекистон чемпионатининг дастлабки даврасн ўйинларини якунлаб довон ошишди.

Якунловчи тур учрашувларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Орол» — «Янгиер» —1 :0, «Нефтчи» — «Косонсойчи» — 4:0, «Шахрихончи» — «Темирйўлчи» — 1:2, «Пахтакор-79» — «Сўғдиёна» — 1:3, «Чирчиқ» — «Нурафшон» — 1:1, «Пахтакор» — «Кимёгар» — 7:3. Шундай қилиб, кучли олтиликни ташкил этган жамоалар қуйидаги мавқега эга бўлишди: «Пахтакор» (26 очко), «Нефтчи» (25), «Нурафшон» (22), «Сўғдиёна» (21), «Навбаҳор» (21), «Темирйўлчи» (20). Иккинчи давра ўйинлари бир ойдан кейин бошланади.

● МОСКВАДА енгил атлетика бўйича МДХ чемпионати ўтказилмоқда.

Ўзбекистон спортчилари маҳорат кўрсатиб, олимпиада номзодлари сафидан жой олишга ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, тошкентлик Виктор Зайцев найза улоқтиришда 87 метр 20 сантиметрли маррани эгаллаб, МДХ янги рекордини ўрнатди. Унинг ҳамшаҳри Елена Свеженцова 61 метр 76 сантиметрли натижа билан бронза медали олди. 110 метрга тўсиқлар оша югурган Сергей Усов (13, 34 секунд) ғалаба қозонди.

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ

● Қора денгиз ҳавзасидаги 11 давлат раҳбарлари Истанбул шаҳрида учрашдилар.

Олий даражадаги учрашув қатнашчилари Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлик декларациясини имзолашди. Россия, Туркия, Болгария, Греция, Озарбайжон, Арманистон, Украина, Молдова, Грузия, Руминия ва Албания вакиллари Ҳужжат остига қўл қўйдилар. Ҳужжат муҳим сиёсий аҳамиятга эга: ундаги ғоялар Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши якунловчи ҳужжатига, Янги Европа учун Париж хартиясига тўла мос тушади.

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИЛАДИ

● Сурия ҳукумати истеъфога чиқди.

Мамлакат Президенти Ҳафиз Асад янги Вазирлар Маҳкамаси тузишни давлат бошлиғи М. Зуобига топширди.

МАХСУС ВАКИЛ

● АҚШ Президенти Жорж Буш қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш ва қуролсизланишга онд музокараларда Қўшма Штатларнинг махсус янги вакилини тайинлаганлигини билдирди.

Нэнси Дауди хоним махсус вакил қилиб тайинланди. У айни чоғда бош маслаҳатчи мансабини ҳам олди.

«КОЛУМБИЯ» ЯНА ПАРВОЗДА

● Кўп марта фойдаланиладиган «Колумбия» кемаси яна фазога чиқарилди.

Американинг космик кемаси бортида 7 астронавт ишламоқда. Улардан беш нафари эркак, икки нафари эса аёл. 13 кунлик учиш давомида 30 га яқин муҳим тажрибаларни амалга ошириш кўзда тутилади.

ЯНГИ ҚЎМОНДОН

● НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари олий қўмондони вазифасига генерал Жон Шаликашвили тайинланди. У истеъфога чиққан 63 ёшли Жон Гэлвиннинг ўрнини эгаллайди.

Янги қўмондон 56 ёшда. У Варшава шаҳрида туғилган. Унинг отаси грузин, онаси эса поляк. У аввал Польшада яшади, сўнгра, АҚШга кўчиб кетди. Қўмондон ҳарбий соҳа бўйича — артиллериячи. У инглиз тилидан ташқари поляк ва немис тилларида бемалол гаплаша олади.

АХБОРОТНОМА ТАРҚАТИЛДИ

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида Россия ва Украина президентларининг Дагомисда бўлиб ўтган учрашув якунларининг ахбороти тарқатилди.

Россия Федерацияси ва Украинанинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналари президентлар матбуот шўъбаси ахборотни тарқатиб, бу учрашув ўз халқлари ва жаҳон ҳамжамияти олдидаги юксак масъулиятни англовчи икки дўст давлатнинг учрашуви бўлди, деб таъкидланади.

ЛОЙИҲА МАЪҚУЛЛАНДИ

● АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси келгуси молия йилида мамлакат разведка маҳкамаларининг фаолиятини пул билан таъминлаш тўғрисида ўз муҳокамасига тақдим этилган қонун лойиҳасини маъқуллади.

Вакиллар палатаси тасдиқлаган аниқ маблағ миқдори сир тутилаётган бўлса ҳам, бироқ конгрессдаги манбалар бу маблағ тахминан 30 миллиард долларни ташкил этишини маълум қилдилар.

● (Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталарининг хабарлари асосида тайёрланди).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўнинчи сессияси олдидан

ДАВЛАТ ТАФАККУРИ ЙЎЛИДА

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

● Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисидаги қарор ва унинг муҳокамасига «Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Мудофаа тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳалари каби ўта муҳим 33 та масаланинг қўйилаётгани жамоатчиликни, шу жумладан қалам аҳлининг фаоллигини ошириб юборди. Сессия арафасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли драматург ва публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимов миллий тараққиётнинг бир қатор муаммоларига доир ўз фикр-мулоҳазалари ва таклиф-истакларини ҳурматли ўқувчиларга тақдим этмоқда.

● Ўзини англаб етган фуқаро ўз миллатини тушуниб олади.

● Маҳаллий кадрларни миллий кадрлар қилиб қайта тарбиялаш — долзарб муаммо

● Мустақил Ўзбекистон учун мустақил фикрлайдиган кишилар зарур.

● Ўзбек дипломатиясини вужудга келтириш — муҳим вазифалардан бири.

ЎЗ қадримизга етиш учун энг аввало ўзимиз ким эканимиз, аждодларимиз ким бўлишганини, яъни кимларнинг авлоди эканимизни билмоғимиз, чуқур тушуниб етмоғимиз шарт. Тиббиёт оламида касалликни ўз вақтида тўғри аниқлаш, яъни диагноз қўйиш беморнинг ярим тузалгани демакдир. Эндигина мустақилликка қадам қўйган халқимиз мустамлакачилик иллати билан қанчалик оғуланганини аниқлаш ҳам уни маънавий мусаффолаш томон элтади. Халқимиз мустамлакачилик зулмати туфайли аввало ўзининг асл номи бўлмиш турк деган отидан, Ватанимиз эса Туркистон деган муқаддас номидан жудо бўлаёзди. Халқимизга турк эканини теран англатиш, Ватанимиз Туркистон деб аталиши зарурлигини юракдан ҳис эттириш асосий вазифалардандир. Шу ўринда **Муҳаммад Шайбонийнинг** Самарқанд тахтини эгаллагач, шаҳар атрофидаги Конигил яланглигига бутун шаҳар ва туман аҳлини тўплаб, бундай дегани эсимга тушиб кетди: **«Биз гарчи ўзбеклар деб аталсак-да, аслида турклармиз».**

Буюк саркарда ва шоир, давлат арбоби ва олим, халқимизнинг таркибий бир қисми бўлмиш кўчманчи ўзбекларнинг машҳур йўлбошчиларидан бири бўлмиш тарихий улуғ шахс ҳам ўзини турк деб турганидан кейин асли наслимиз турк эканига шубҳа йўқ. Зотан, халқ ватанини тушуниб олишидан илгари ўзини англаб етиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда Онатўли ва Румо туркларидан ибрат олсак арзир экан. Уларда ёшликдан буюк аждодларни эслатиш, билиш, тарғиб қилиш орқали ёшу қари ҳар бир фуқарони миллий руҳда тарбиялаш одат тусига кирган.

Ўзини англаб етган фуқаро ўз миллатини тушуниб олиши мумкин. Бундай тушунган фуқаролардан иборат халқни **миллат** дейиш мумкин. Ҳали ҳануз халқимизни тўла маънода шаклланган миллат деб бўлмайди, дегувчиларнинг гапида жон бор. Ривожланган ва миллат сифатида тўла шаклланган халқлар барча соҳалар бўйича ўз миллий мутахассисларига етарли даражада эга бўладилар ва шу ҳақда доимо қайғурадилар. Бизда эса кўпгина соҳаларда ўз миллий кадрларимиз йўқ даражада. Масалан, ўтган йили йўлим тушиб Ўзбекистон фуқаро авиацияси Бош бошқармасида ва Тошкент аэропортининг халқаро бўлимида бўлишимга тўғри келди. Бош бошқарманинг етти қаватли биносини қаватма қават, хонама хона айланиб чиқиб, тубжой миллат вакилларини деярли учратмадим, аэропортнинг халқаро бўлимида эса умуман халқимиз вакиллари йўқ экан. Ваҳолонки, мустақил давлат жаҳон миқёсида эркин ҳаракат қилиши учун халқаро ҳаво алоқаси сув билан ҳаводек зарур. Мустамлакачилик тузуми халқимизни асоратда тутиб туриш учун энг зарурий соҳаларда ўз мутахассисларига эга бўлмаслиги сиёсатини юргизиб келди.

Ҳарбий кадрларимиз ҳам етарли эмас. Бу ҳол аслида чор Россияси томонидан ерли халқдан ҳарбий хизматга аскар олмаслик қонунлаштириб қўйилган даврдан бошланган. Шу йўл билан халқнинг ҳарбий руҳини, демакким, шон-шавкати, шуҳрати, шукуҳи сўндирила борилган. Ўзини ҳимоя қилиш чораларини кўрмаган давлат томи ёпилмаган иморатга ўхшайди. Туркиялик қардошларимиз ватан чегараларини муқаддас ва дахлсиз деб билувчи, осмони тинч ва фуқаролари хотиржам яшаши учун кўксини қалқон қилувчи — мудофаа этувчи шонли ва қудратли лашкарига эга бўлишга биринчи даражали вазифа деб тушунар эканлар. Улар шундай аскарлари борлиги билан фахрланадилар. Бу борада мустақил Ўзбекистон олдида улкан юмушлар турибди.

Давлатлараро битимга кўра Туркия Жумҳурияти ўзбекистонлик ёшлардан 2 минг нафарига таълим-тарбия беришни ўз зиммасига олди. Буларнинг муайян қисми **зобитлар қилиб етиштирилса** қани энди. Тўғри, Ўзбекистонга тужжорлар, иқтисодчилар, тилшуослар ҳам керак. Лекин ҳатто уларни ҳимоя қилиш учун ҳарбий кадрлар керак-ку. Шу ўринда йигирманчи йилларнинг бошларида **Тошкентда турк зобитлари ёшларимизга ҳарбий санъатдан сабоқ ўқитишганини эсламоқ жуда жоиз деб биламан.** Ҳарбий соҳада шу даражада орқада қолиб кетганмизки, ҳатто генерал унвонига эришган зобитларимиз (ўзлари бармоқ билан санарли оз) ҳам Ўзбекистон Республикасининг Давлат тилида аскарларга буйруқ бера билмайдилар. Чунки ҳарбий атамаларимиз, жанговар буйруқларимиз (ахир, Амир Темур худди шу тилимизда кескин буйруқлар берган эди-ку) бугунги кунда деярли унутилиб кетган. Уларни тикламоқ, тўпламоқ ва жорий қилмоқ керак.

Ўзбекистоннинг миллий гвардиясини ҳам, мудофаа қўшинини ҳам тузишни она тилимизда ҳарбий буйруқ беришни ўрганишдан ва жорий этишдан, буйруқлар мажмуасини яратишдан бошламоқ керак. Шу ишни ҳам бажармасак ўз миллий қўшинларимизга бошқа давлат тилида буйруқ берамизми? Бу кулгили бўлмайдими? Бутун бошли ўзбек тили илмий-текшириш институти бўлса, у кимсан Фанлар академиясига қараса! «Ўзбек тили» жамияти бўлса, унинг каттакон ҳайъатию мунглаб аъзолари бўлса! Махсус Атамалар комитети бўлиб, ҳукумат қарамоғида бўлса-ю ҳарбийларимиз ўзбекча мулоқотда бўла олмасалар?!

Балки велосипедни қайта ихтиро қилишга ҳожат йўқдир, тарихий асарларни варақлаш орқали ҳарбий луғатимизни тўплармиз, техник тараққиёт билан боғлиқ янги **замонавий атамаларни қўллашда туркиялик қардошларимизнинг бу борадаги бойлигидан фойдаланармиз, янги ҳарбий атамалар яратишда улар тажрибасидан ижодий ўрганармиз.** Хуллас, халқимизнинг бой бераёзган ҳарбий шукуҳини тиклайлик, ёшу қари ҳаммамизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида қайта тарбиялайлик, ҳарбий кадрларсиз бошқа барча кадрлар (академикдан тортиб вазиргача) ҳимоясиз бўлиб қолишини, мудофаа қувватига эга бўлмаган халқ ҳам, унинг ҳукумати ҳам халқаро миқёсда, ички ва ташқи душман олдида қадрли бўлмаслигини ёдга тушириб турайлик.

Жумҳуриятимиз ҳудудига жойлашган олий ва ўрта ҳарбий ўқув юртлари ўз тасарруфимизга ўтказилиши яхши. Лекин бу ҳарбий ўқув юртларида таълим-тарбия ишлари албатта давлат тилимизда бўлиши учун ишга ҳозирдан киришиш лозим. Сентябрга ҳали 2 ойча вақт бор. Тайёргарликка ҳозирдан киришмоқ лозим. Ўқитувчи кадрларни мавжуд зобитларни қайта тарбиялаш, уларни бир неча ойлик курсларда ўқитиш орқали тайёрлаш ҳам мумкин. Уларни чет эл мамлакатларига, **биринчи навбатда Туркияга малака оширишга юбориш энг мақбул йўлдир.** Лекин яқин беш-олти йил давомида ҳарбий кадрлар (қуриқликдаги мудофаа қўшинлари, ҳарбий ҳаво кучлари, чегара қўшинлари ва давлат хавфсизлиги ходимлари)нинг асосий қисми чет эл олий ва ўрта махсус ҳарбий ўқув юртларида тайёрланиши мумкин ва лозим, чунки ўзимизда етарли база ва ўқитувчи мутахассислар етишмайди. Озарбайжон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ҳарбий соҳада тузилган битимни шу ўринда эслатиб ўтишни жоиз деб биламан. Айтгандай, ҳарбий кадрларимиз чет элларда сабоқ олишадими, ўзимизда билим ўрганишадими, барибир Афросиёб, Маҳмуд Ғазнавий, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобуршоҳ сингари буюк аскарбошиларнинг авлоди эканини, томирларида ўша буюк ва довюрак зотларнинг ҳам қони оқаётганидан хабардор бўлсинлар, улардай қўрқмас ва ватанпарвар бўлсинлар. Шу боис ҳарбий ўқув юртларида ҳақиқий тарих дарси етакчи ўринлардан бирини олмоғи шарт. **Миллий руҳда тарбия топмаган зобит ватанпарвар бўлмайди. Ватанпарварлик туйғусидан йироқ қўшинда интизом бўлмайди ва ватанни ҳимоя қила билмайди.**

Ҳарбий-ватанпарварлик туйғуси ҳарбий қасамёд сўзлари билан дилга жо бўлади. Демак, **ҳарбий қасамёд матни учун танлов ўтказса арзийди.**

Талабалар шаҳарчасидаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Президенти турли даврларда сўзлаган нутқларидан кейин пойтахт мактабларининг **юқори синф ўқувчилари орасида Президентга садоқат руҳида қасамёд қилиш ҳоллари юз бераётирки,** бу миллий тараққиётимиздан, келажагимиз ишончли қўлларга ўтишидан бир муждадир. Энг муҳими шуки, 16-17 яшар йигитчалар орасида рўй берган қасамёд қилиш ҳоллари табиий равишда, ташқи таъсир ёки ташвиқотсиз, юракдан юз бергани миллий онг уйғонаётганидан даракдир. **Шундай жараёнларни ўз вақтида илғаб олиб, рағбатлантириш лозим.**

ХОЗИР Тошкент аҳолисининг ярмидан ози тубжой миллат вакиллари, кўпчилиги эса европаликлардир. Мен Ер юзидаги бир қатор мустақил давлатларнинг пойтахтлари аҳолиси таркибини маълумотномалар орқали ўрганиб чиқдим, деярли ҳаммасида ҳам туб жой миллат вакиллари 80-90 фоизни, ҳатто 99 фоизни ташкил этади. Шу ҳолни назарда тутиб, пойтахтимиздаги меҳмон аҳоли манфаатларига зиён етказмаган тарзда келажакда Тошкент аҳолисининг камида 75 фоизи, ўзбек бўлишига эришиш қонуний ҳуқуқимиздир, жумҳурият нуфусининг ҳам шунча қисми ўзбеклардир. Бунда бўшаган ва янги иш ўринларига қишлоқда беиш юрган йигит-қизларга ихтисос ўргатиб, жалб этиш мумкин.

Шунингдек, **маҳаллий миллатга мансублик ҳам кадр деган юксак номни билдирмайди.** Миллий кадр бўлиш учун миллатга мансубликдан ташқари миллат манфаати учун қайғуриш ҳам шарт. Ҳозир, сир эмаски, паспортига ўзбек деб ёзилгану, лекин аслида миллий кадрликдан жуда йироқ дипломлилар оз эмас. Ҳатто олий илмий даражали, юксак илмий унвонларни қўлга киритган қанчалаб ходимларга нисбатан ўзбек олими деб бўлмайди. 80 фоиз илмий ходимларнинг давлат тилида ижод қилмаслиги, Фанлар академиясига қарашли институтларнинг 94-95 фоизида давлат тилида иш юритилмаётгани Ўзбекистон фани миллий заминдан жуда узоқлашиб қолганини кўрсатмайдими.

Академияга қарашли 37 илмий-текшириш институтининг 34 тасида давлат тилида иш юритилмас экан, ажабо! Хуллас, **маҳаллий кадрларни миллий кадрлар қилиб қайта тарбиялаш учун** кўп вақт ва қунт керак. Умуман, ўқув-тарбия тизимини ҳам, академия тизими ва қурилишини ҳам қайта кўриб чиқиш, энг тараққий этган мамлакатлардан ибрат олиш лозим. Ҳеч кимнинг бурнини қонатмаган ҳолда саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб, ҳақиқий олим учун моддий ва маънавий шароитни яратиб берайлик. Буюк кашфиётларни буюк шахслар яратажак, шуни унутмайлик. Энг муҳими, янги миллий кадрлар тайёрлашга боғча ёшидан киришайлик, бўладиган болани ёшлигидан аниқлайлик.

Мустақил давлатимизнинг асл бойлиги унинг пахтаси, пилласи, олтини, қоракўли, мевачеваси эмас, балки халқимизнинг ақл-заковати. (Китоб — ақл чироғидир). Ҳақиқий миллат бўлиб тўла шаклланиш учун нима қилиш керак? Менимча, ҳақиқий миллат бўлиб шаклланган халқлар, инглиз, немис, япон ва онатўлилик туркларидан ибрат олайлик, улар босиб ўтган йўлни ўрганайлик, улар билан борди-келдини кучайтирайлик. Ёки бўлмаса, ўзлигини англаб етган миллатлар ўта масъулиятли давлат лавозимларини бегоналарга қўш қўллаб топшириб қўймасликларини эслатиш миллий шуур ва ғурурни уйғотажак. Масалан, Арманистонда давлат лавозими бирорта чет миллатга бериб қўйилишини ҳатто етти ухлаб тушга ҳам киритиш мумкин эмас. Бу юртни арманилар бошқаргани учун ҳам Арманистон дейдилар-да. Тўғри, қонун олдида барча фуқароларнинг ҳуқуқлари теппа-тенг. Лекин барча давлатларда ҳам худди шу принцип сақланса, ана унда олам гулистон!

Хўш, **ўзбек халқининг миллатлик даражаси қандай? Ҳамма гап мана шунда!**

Амалдорларимизнинг миллатлик, яъни фидойилик даражалари қандай? Келажагимиз ана шунга ҳам боғлиқ. Фидойилик даражаси юксак раҳбарларимиз қанчалик кўп бўлишса, халқнинг эртаси бугунидан фаровон бўлиши аниқ. Тарихда шахснинг ўрни катта, деб мана шунга айтилса керак.

МАЪЛУМКИ, Ватанимизни араблар босиб олгач, **Мовароуннаҳр** (дарёнинг нариги тарафи) деб қайта номлашди. Чингизхон қўлга киритгач, ўғли шарафига **Чиғатой** улуси деб атади, руслар эса **Ўрта Осиё** дейишни расмийлаштиришди. Энди ўзлигимизни таниб, ватанимизни яна асл номи **Туркистон** деб атасак, монелик қиладиган ташқи куч йўқ, балки «душман» ўз ичимизда, у ҳам бўлса, миллий ғурур ва онгнинг етарли эмаслигидир. Шарқий Туркистон деган иборани ўзимиз ҳам, бутун дунё ҳам ишлатади. Ахир, Туркистон деган тушунча бўлмаса Шарқий Туркистон деган тушунча вужудга келмаслиги аниқ эмасми! Навоий, Бобурлар ўзларини турк дейишганини биламиз, уларни ўзимизники деб ҳисоблаймиз-у, яна ўзимизни турк дейиш ўрнига ўзбек дея миллатимиз ёшини камида 500 йилга ёшартириб қўямиз. Бунда мен мантиқ кўрмаётирман. Барча туркистонликларда ягона миллат ва ягона ватан туйғуси уйғотиш, шакллантириш ва камол топтириш бош вазифалардандир.

Маълумки, ҳозирги кунга келиб, туркистонликларнинг муайян қисми рус ва форс тилларида сўзлашишга одатланиб қолишган. (Форс тилида сўзлашувчи туркистонлик туркилар ҳақида ўнинчи — йигирманчи йилларда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат сингари асл турк ўғлонлари ҳам асосли илмий мақолалар ёзишган). Ана шу муайян қатлам аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориб, она тилимиз — Туркистон туркчасини ўрганиб олишларига етарли эътибор, шароит яратиб бериш юртдошлик бурчимиздир.

Ҳали кўпчилигимиз 1991 йилнинг 31 августида эълон қилинган мустақилликнинг моҳиятига — ўша куни қандай оламшумул воқеа содир бўлганига тўла тушуниб етганимизча йўқ. Орадан йиллар, замонлар ўтгани сайин бу сананинг буюклиги тобора аён бўла боради. 1 сентябрдан янги турмуш, янги замон бошланди. То унгача бўлган кўп нарсалар эскириб қолди ёки чиппакка чиқди. Кўп нарсалар эса зид келиб қолди. Навбатдаги зарур вазифалар ана шу эскирган, чипакка чиққан, зид келиб қолган нарсаларни аниқлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарор ҳам тасдиқланиши муносабати билан шундай таклиф киритаман: ҳар йили янги ўқув йили бошланадиган 2 сентябрда жумҳуриятдаги барча ўқув юртларида **Мустақиллик дарслари** ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, 1991 йилнинг 31 августида ва ундан кейин буюк воқеалар бўлаётганини халққа тушунтира бориш зарур . Бу суҳбатларни олий ва ўрта мактабларнинг ўқитувчилари билан бирга давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар, журналистлар, тарихчилар, ҳарбий мутахассислар ва умуман барча зиёлилар мароқли ўтказишлари мумкин. Бу тадбир халқни давлат тафаккури даражасида кенг ва чуқур фикрлашга ўргатади. Ҳар бир маданий халқ ўзининг ўтмиш ва яқин тарихини теран билиши керак.

Мустақиллик эълон қилиниши муносабати билан эскирган, чиппакка чиққан ва зид келиб қолган нарасаларни аниқлаш ва бартараф этиш билан ҳанузгача жумҳуриятда ҳеч бир ташкилот шуғулланаётгани йўқ. Масалан, 31 августгача қабул қилинган айрим қонунларни, айтайлик. «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги қонунни олиб кўрайлик. Икки-уч йил бурун шу қонунни қабул қилиш учун бутун халқ, айниқса қалам аҳли оёққа турган эди. Энди эса унинг аксарият моддалари эскириб, бир қатор моддалари мустақиллигимизга зид келиб қолди. Синчиклаб ўқиб кўрсангиз, мустақилликка эришган бугунги фуқаронинг кўзи билан қараб, қалби билан ҳис этиб кўрсангиз, Ўзбекистон учун эмас, кўпроқ марказ ва Россиянинг манфаати назарда тутилаётгани аён бўлади. Масалан, 22-моддада ёзилишича, «Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳрлари, тамғалари ва иш қоғозларининг матнлари республика давлат тилида бўлади, русча таржимада такрорланади». Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Хуллас, ҳамма қонунларимизни мустақиллик нуқтаи назаридан ўтказишимиз, Олий Кенгаш сессияларида тузатиш ва қўшимчалар киритишимиз керак. Балки аслида собиқ марказ томонидан тайёрланиб, кўр-кўрона ўзбекчага таржима этилиб, Олий Кенгашда қабул қилиниб юборилган қонунлардан воз кечиб, мустақилликка мос ва хос янги қонунларга ҳожат қолмас, ривожланган чет эл мамлакатларидаги каби клубларга айланиб кетар, бироқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлида илк қадамларни қўяётган шу мураккаб ва қалтис дамларда бирлик, ҳамжиҳатлик ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Шуни назарда тутиб, мен яна бир бор баралла айтаманки, Ёзувчилар уюшмаси билан Адиблар иттифоқи бирлашиши тарафдориман. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этяпти. Масалан, бирор ижодкор юбилейига, айтайлик, шоира Нодирабегимнинг 200 йиллигига тайёргарликни бўлинган ҳолда алоҳида-алоҳида кўрмай, биргаликда якдиллик билан ўтказиш самарали бўлиши турган гап.

Ёки бўлмаса, қўшни ва олисдаги мустақил давлатларнинг адиблари билан ижодий алоқа ўрнатиш учун Ўзбекистондан расман Ёзувчилар уюшмаси қатнашадими ёки Адиблар иттифоқи вакил қилинадими? Хуллас, муаммо устига муаммо чиқаверади.

Ёзувчиларни қайта бирлаштирувчи қурултойни ўтказишни ўз зиммасига олувчи бирор ҳомий топилса ажаб эмас.

Миллий тараққиётимиз учун бирлашайлик!

Ҳозир янги имлога ўтиш ҳақида — лотин ё араб алифбосига қайтиш тўғрисида сўз юрибди. Тарихимизни ўйласак, араб алифбосига қайтилади, келажакни кўзласак, лотин алифбосини қабул қилиш керак. Лекин умумхалқни тезда ялпи саводхон қилишни ҳам унутмаслик зарур. Бироқ шуниси аниқки, амалдаги кирилл ёзуви тилимизнинг ўзига хос томонларига, товушлар ифодасига тўғри келмас экан. Саводхон деб ҳисоблануви катта ёшли аҳолининг 99 фоизи хатосиз ёзолмайди. Ишонмасангиз, уларга бошланғич синф ўқитувчилари томонидан диктант ёздириб кўринг.

Ялпи саводхонлик миллий маданият ва тараққиётнинг онаси ва таянчидир.

СОВЕТЛАР бирлигини таназзулга олиб келган иллатлардан бири кимсанинг «сиёсий етук»лигига асосланган, ошна-оғайнигарчилик асосида «сараланган», маҳаллийчиликка «таянган» кадрлар танлаш сиёсати — номенклатура балоси бўлди. Иттифоқ тарқалиб кетган бўлса-да, ўша принцип йўқолиб кетди, деёлмаймиз. Жумҳурият, вилоят ва туман миқёсида янги ташкилотларга ишга жойлаштирилган кишиларнинг рўйхатини кўздан кечирсак, масала ойдинлашади-қўяди. Давлат тилини билмаган, эл-юртга танилмаган, ўз соҳасида бирор ишни қойиллатиб қўёлмаган, уч-тўртта суянчиқларидан бўлак ҳеч ким танимас кишилар ҳам баъзан масъул вазифаларни эгаллаб қолмоқдалар. Ваҳолонки, яхши раҳбар — эл-юртнинг маънавий бойлиги, жамоанинг жони ва қалбидир. **Мустақил жумҳурият учун мустақил фикрлайдиган, халқ манфаатини устивор қўядиган жонкуяр кадрлар керак.** Нобоп кишини раҳбар қилиб қўйиш адолатга бўлган ишончга қўланка ташлайди.

Назаримда, комиссиябозликка берилиб кетаётганга ўхшаймиз. Тўғри, кўпчилик билан ҳал этиладиган мураккаб ва долзарб муаммоларни ечиш учун комиссия тузилиши зарур. Илгарилари асосан ижодкорларнинг юбилейларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш комиссиялари тузилиб турарди, холос. Ҳозир эса комиссия тузилмаган кун ёки комиссия тузмаган ташкилоту муассаса бўлмаса керак. Ҳар куни бирор комиссия тузилганидан дарак топамиз. Бу ҳол кўпчиликнинг вақтини ўринли-ўринсиз олишидан ташқари конкрет иш учун конкрет одамдан масъулият талаб қилишни сусайтиради. Масъулиятни бўйиндан соқит қилишнинг ишончли воситаси ана шу комиссиялар бўлиб қолмаяптими? Яна қайтараман, мустақил давлатнинг масъул одамлари мустақил фикрлайдиган, масъулиятдан чўчимайдиган, мабодо амалидан айрилиб қолса, ноль одамга айланиб қолмайдиган, эл-юрт танийдиган шахслар бўлиши керак. Сир эмас, дадил, ростини айтсак, амалдорлар ҳам икки тоифага бўлинади. Кўпчилик учун амал қўшимча масъулият ва фазилат бўлса, айримлар учун эса амал ноль олдидаги рақамдир, яъни амалсиз ҳеч ким бўлмай қоладилар, шу сабабли ҳам амалга қаттиқ ёпишиб оладилар, давлат ва халқ ғамини сира ўйламайдилар, ўйлаш учун ҳам ҳамин қадар ақл керакдир.

Фикри бор одамлар ўз қарашларини баҳам кўришса, кимнинг қандайлигини халқнинг ўзи билади-қўяди, бундан тараққиётга катта фойда етади.

Воқеалар шу даражада тез ривожланаяптики, ҳафта сайин бирор йирик янгиликка шоҳид бўлаяпмиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт истиқболини белгилаш комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ана шундай муҳим янгиликлардан биридир. Бу комитет ижтимоий-иқтисодий масалалар билан шуғулланади. Зотан, иқтисодий равнақ миллий тараққиётнинг муайян бир қисмидир, холос. Миллий тараққиёт комитетининг вазифаси ҳақида аниқроқ тушунча ҳосил қилиш учун ҳаёт-кун тартибига қўйган бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтишни лозим кўраман. Маълумки, шу кунгача Ўзбекистон Республикасини жаҳондаги 110 та мамлакат тан олибди-ю, бироқ улар ҳақида айрим мутахассисларни истисно қилганда, мутлақо кўпчилик, ҳатто Ташқи ишлар вазирлигининг айрим янги масъул ходимлари ҳам тасаввурга эга эмаслар. Шу ҳолни назарга олиб, узоқни кўзлаб, ўша мамлакатларнинг сиёсий тузуми, табиати, тарихи, халқи, иқтисодиёти, маданияти ва шу кабилари ҳақида умумий ва дастлабки тушунчалар берувчи китобчалар туркумини «Ўзбекистон Республикасини тан олган давлатлар» номи остида чоп этиш мумкин ва лозим. Бу китобчалар чет эл мамлакатларига турли юмуш билан сафар қилувчиларга бир очқич бўлса, келгусида шу китобчалар асосида қомус яратиш мумкин.

Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистонни тан олган мамлакатларнинг Ташқи ишлар вазирликларига хат йўллаб, йирик мутахассисларидан ўз давлатлари ҳақида китобча матнини сўратиб олиши ва Матбуот давлат комитетига тақдим этиши мақсадга мувофиқдир. Мана шу ишни тегишли ташкилотлар ва уларнинг масъул ходимларига эслатиб қўйишни бурчимиз деб билдик.

Мен бир режани мисол қилиб келтирдим, холос. Ҳаёт эса кун тартибига муҳим масалаларни қўяверади. Ҳамма гап уларга сезгирлик билан муносабат билдиришдадир.

КЕЧАЛАРИ ётиб уйқим келмайди, баъзан, хаёл тинчлик бермайди: эртамиз нима бўлади, эртага халқимизни нималар кутмоқда? Қаёққа кетаяпмиз ўзи? Қаёққа боришимиз кўп жиҳатдан етакчиларимизга боғлиқ, хўш, улар кимлар? Халқ тақдирининг кафолатини олган шахслар бу масъулиятни тўла ҳис қиладиларми, шу вазифани бажаришга қурбилари етадими? Жумҳурият Президентининг халқ манфаатини кўзлаган фармонлари тўла амалга ошяптими, уларга қайси бўғинларда кўпроқ (зимдан) тўсқинлик ёки лоқайдлик бўладитир. Собиқ партаппаратдан янги бошқарув аппаратига ўтказилган (булар орасида муносиб кишилар ҳам бор, албатта), ўз устомонликлари ёрдамида ёки ошна-оғайнигарчилик кўмагида ўтиб олганлар фаолияти қандай, уларга оддий халқ оммасининг муносабати ва баҳоси қандай, «эски ҳаммом, эски тос» қабилида эмасми? Шу ўринда буюк рус файласуфларидан бири Н. Бердяевнинг ушбу сўзлари беихтиёр ёдга тушади: «Инқилобларни кўпинча хаёлпарастлар тайёрлашади, ашаддийлар (фанатиклар) амалга оширишади, уларнинг самараларидан эса аблаҳлар фойдаланишади». Шулар ҳақида ўйлар эканман, ишқилиб, мустақиллигимиз самаралари уни тайёрлаган ва амалга оширган асл ва фидойи халқ фарзандларига насиб этсин-да, дея Яратганга илтижо қиламан. Бироқ...

Менинг кузатишимча, пойтахт ва жойлардаги раҳбар кадрларни умуман икки тоифага бўлиш мумкин экан. Биринчи гуруҳга ҳам ташкилотда, ҳам ташкилотдан ташқарида маълуму машҳур шахслар, эл-юрт ғамини еб, унинг қайғуси билан яшаб ва ишлаб, ҳурматга сазовор бўлган раҳбарлар кирсалар, иккинчи гуруҳ эса фақат идоранинг ўзидагина (лавозимдор бўлгани учун) тилга олинадиган «кадр»лардан иборат бўлар экан. Ҳурматли ўқувчи, агар ўзингиз ишлаётган ташкилотдаги аҳволга разм солсангиз, менинг бу фикримнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласиз. Шундай ҳоллар ҳам мавжудки, ўн йиллар давомида тадқиқот институтида ишлаб, аспирантлигича қолиб кетгач, кейин «Бор-ей, олим бўлмасам, амалдор бўла қолай», деб, партия ишига ўтиб кетиб, ҳозир эса ўзи илмдан йироқ бўлиб, зиёлиларга ақл ўргатиб, «раҳбарлик» қилиб ўтирган «кадр»ларни ҳам биламиз, ундайлар янги бошқарув тизимини омма орасида обрўсизлантиради, холос. Тўғри, партократия замонида одатда ўз касбида иши юришмаган ходимлардан раҳбар кадрлар тайёрлаш расм эди, чунки ундайлардан юввош ва «лаббайгўй» ижрочилар чиқарди. Мустақил жумҳурият учун эса фикрловчи, башоратчи раҳбар кадрлар керак.

Юқорида тилга олиб ўтганимдек, жумҳуриятимизни ҳозиргача 110 мамлакат мустақил давлат сифатида тан олди, дипломатик алоқалар ўрнатиш истагини билдирди. Демак, чет элларда ишловчи кадрларга талаб кучли бўлиши кутилмоқда. Бироқ Ўзбекистонни чет элларда намоён этувчи кадрларимизга қўйиладиган биринчи талаб уларнинг ўша мамлакатларнинг тилларини (ёки асосий халқаро тилларни) билиши бўлмаслиги керак. Биринчи талаб, дипломатимиз Ўзбекистоннинг миллий манфаатини қандай даражада ҳимоя қила олади, жумҳуриятимизга наф ва обрў келтира оладими, ана шу нарса асосийси бўлиши керак. Ўзбек дипломати, энг аввало, ўз давлат тилимизни, урф-одатимизни яхши билиши шарт, акс ҳолда масхара бўлишимиз ҳеч гап эмас. Унга хизмат вазифасини ўташида техник ходимлар — тилмочлар ёрдам бераверади. Хуллас, дипломатликда ҳам биринчи талаб — миллий қиёфа ва миллий манфаат йўлида фидойилик.

Мен чет тилларни билишиқ сира ҳам камситмоқчи эмасман. Тил билганга нима етсин. Бироқ тил билувчиларимиз орасида миллий руҳда тарбия топган ва миллий манфаатимизни кўнгилдагидек ҳимоя қила олувчилар кам-да. Чунки чет тилларни ўрганувчиларга совет сиёсати нуқтан назаридан дарс ўтилгани маълум. Шу сабабли чет тилларни билувчилар орасида ўзбек миллий давлати манфаатини тўла ҳимоя қила олувчилар кам бўлиши табиийдир. Бунинг учун улар айбдор эмас, балки собиқ таълим-тарбия тизими айбдордир. Тарихий ва миллий заминда ўзбек дипломатиясини вужудга келтириш мустақил давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардандир.

1. 2. 3. 4. 5.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

29 июнь – 5 июль

• 29, душанба

УзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Табиатни асрайлик». «Энг тез ёрдам». Мультфильмлар. 18.30 «Узбекистон саноати». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат ҳабарлари. 19.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.40 «Мулоҳаза». Театр муаммолари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат ҳабарлари. 21.00 «Мулоқот». XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг X сессияси олдидан. 21.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Дўстлик ришталари». Туркияда туркий халқларининг санъат байрами. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум» (такрор.). 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Ҳисобини билмаган, ҳамёнидан айрилур». 20.55 «Лаҳза». Хабарлар. 21.05 «Эҳтиёт бўл, илон». Бадиий фильм. 1-серия.

ОРБИТА IV. I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Якунлар. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Ширин шолғом». Мультфильм. 8.40 «Оилавий ҳаёт». Бадиий фильм (Польша). 10.40 Янгиликлар.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Хордиқ чиқаринг». 14.35 «Джамайка». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.45 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. 15.50 Мультфильмлар. 16.20 «Қизлар ўртасидаги сир». 17.00 Янгиликлар. 17.20 «НЭП». 17.40 Футбол шарҳи. 18.05 Мультфильм 18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. Манекеншицанинг ўлими». Бадиий фильм. (ХХР, 1989 й.). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 «Спорт УИК—ЭНД». 20.35 Кўрсатувлар тартиби. 20.40 Янги студия таништиради: «Монтаж», «Хабарлар», «Бомонд». 23.00 Янгиликлар.

• 30, сешанба

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.25 «Ёш ёзувчининг кундаликлари». Телевизион бадиий фильм. «Узбектелефильм» премьераси. 7.55 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм. 9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.00 Спорт кинопанорамаси. 10.40 «Санъат сайёралари». Кинопрограмма.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Саёҳат». Мультфильм. 18.20 «Элга хизмат — олий ҳиммат». 18.55 Спортлото. 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 20.00 «Сулола». Иноъомжон Мамадалиев. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Мерос». А. Қодирий. Ҳажвий новеллалар. 1-қисм. 22.10 «Кино.. Кино. Кино». 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 «Балет, балет». 19.10 «Шарқ лирикаси». Лутфий. 19.30 «Кинофестиваль олдидан». 20.15 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.30 «Алоқалар ва шартномалар». 22.20 Эълонлар. Кинонигоҳ.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. пермьераси. 9.05 «Мерос ҳақида тортишув». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 9.35 «Чойнакдаги йўлбарсча». Мультфильм. 9.45 Халқ қўйлари. 10.00 Янгиликлар.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Ольга Иванова сабоқлари». 14.35 «Джамайка». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.45 П. И. Чайковский номидаги I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги. 16.05 «Анна». Болалар учун олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 17.00 Янгиликлар. 17.20 «Қишлоқ хроникаси». 17.50 «Чеҳрасига бир қаранг» рукни остида «Устахонадаги монолог». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Рассом Ю. Селиверстов ҳақида. 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. премьераси. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «КТВ-I ва Франс интернасионал канали» таништиради: «Виржинининг 400 найранги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия (Франция). 21.15 «Янгра, гармонь». 21.45 «Вазият». 22.15 И. С. Козловский. «Турли йиллар съемкалари». Фильм-концерт. 23.00 Янгиликлар.

• 1, чоршанба

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.25 «Оби шифо». «Оқ йўл», токзор». Телефильмлар. 7.55 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм. 9.15 «Араб тили». 9.45 «Ёшлик». студияси саволларингизга жавоб беради. 10.15 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Уйқу салтанати». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 19.00 «Узбекистон» ахбороти. (рус тилида). 19.20 «Истиқлол йўлида». 19.50 «Тилга эътибор». 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 20.55 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги олдидан. 21.25 «Мерос». А. Қодирий. Ҳажвий новеллалар. II-қисм. 22.35 «Қотилликда айбланадилар». Бадиий фильм. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўпламаси. 19.20 «Спринт». 19.40 «Мусиқий меҳмонхона». 20.10 «Қизиқарли учрашувлар соати». 21.10 «Эҳтиёт бўл, илон». Бадиий фильм. 2-серия.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 Мультфильм. 10.10 «Табиат оламига саёҳат» рукни остида «Байкал чўққисининг сирлари». Илмий-оммабоп фильм. 11.00 Янгиликлар.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 Телемикст. 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.30 Москва триоси чалади. 14.50 «Ҳавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. I-қисм. 16.00 «Арчагул асали» Мультифльм. 16.10 «Анна». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Сиёсат» студияси кўрсатади...». 17.55 Мультфильм. 18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.45 «Останкино» концерт студиясида ёзувчи А. Панченко билан учрашув. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «КТВ-I ва Франс интернасионал канали» таништиради: «Виржинининг 400 найранги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия 21.20 «Қора қути». 22.00 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг ёпилиши. Танаффус пайтида (23.00) Янгиликлар. 01.35 «Джамайка». Телевизион бадиий фильм. 1-2-сериялар.

• 2, пайшанба

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.25 «Лола Оқилова рақсга тушади». Телефильм. 7.55 «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадиий фильм. 9.05 «Турк тили». 9.35 «Ҳамкорликка кенг йўл».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Учта қурбақа». Мультфильм. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бунёдкор». 19.50 «Учрашув». Муҳаммад Али. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 XII чақириқ Узбекистон Республикаси Олий кенгашининг X сессиясида. 22.00 Мумтоз куйлардан концерт. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 Болалар учун фильмлар. 19.05 Узбекистон бастакорларининг романслари. 19.35 «Аудит нимага қодир?». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 «Пульс» Хабарлар. 21.50 Эълонлар. Кинонигоҳ.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 Мультфильмлар. 10.30 Қурмонғози номли Қозоқ Давлат Академик халқ чолғу оркестрининг концерти. 11.00 Янгиликлар.

12.35 Кўрсатувлар тартиби. 12.40 «Телемикст». 13.25 «Ён дафтар». 13.30 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Квакша». Мультфильм 14.40 «Ҳавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм. 15.30 Танишув. Эшитиш қобилиятини йўқотган одамлар ҳақида. Телеочерк (сурдо таржимаси билан). 16.05 «Анна». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси 3-серия. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби 17.25 «Ун олти ёшгача ва ундан катталар». 18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.50 «Телевизион танишув». Урмас ОТТ Константин Боров билан суҳбати. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби 20.25 «КТВ-I» ва «Франс интернасионал» канали таништиради: «Виржинининг 400 найранги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. 21.20 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 21.40 «Беш халқа». 22.10 «Лимпопо». 22.40 «Вазият». 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кальвар-Шоу. 00.20 Актёрлар ҳангомаси. «Эртаклар нима билан тугайди?». 01.10 «Ҳавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.

• 3, жума

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти 7.25 «Ота ўғиллар». Телефильм. 7.55 «Темир эркак» Бадиий фильм. 9.25 «Илк қадамлар». 9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона»

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Яшил орол сири». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» оқшоми. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат канали: «Тадбиркорлик калити». 19.55 «Унутилмас удумлар». 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг X сессиясида. 22.00 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.10 «Йўқлаб олинган кино». Бадиий фильм. 12.40 «Табиат рицарлари». Хроникал-ҳужжатли фильм. 13.10 Кўрсатувлар тартиби. 13.15 «Бридж». 13.40 «Бизнес-класс». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Меломанга совға. Д. Хворостовский куйлайди. 14.50 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм. 16.00 Болалар мусиқий клуби. «На-на» номидаги байрам. 17.00 Янгиликлар. 17.20 «Инсон ва қонун». 17.50 «Леннеберглик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. (Швеция). 18.15 Мультфильм. 18.25 ТВ Нева: «Ким биз билан?» 18.45 Санкт-Петербургда «Оқ тунлар» фестивали. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.30 Катталар учун мультфильм. 20.40 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Музобоз», «Ҳордиқ чиқаринг», «Мусиқий соат», «Матадор». Танаффус пайтида (22.00) — Янгиликлар. 00.30 «Хавфли бурилиш. Телевизион бадиий фильм. 2-3 қисмлар.

• 4, шанба

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум» (Ёшлик).

8.00 «Ёз кунларининг бирида». Бадиий фильм. 9.05 «Тил — маданият кўзгуси». 9.45 «Ёдпома». Гелди Бердиев. 10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Учқун». 11.05 Шукур Холмирзаев. «Қора камар». А. Ҳидоятов номидаги драма театрининг спектакли. 12.35 «Мусиқий учрашувлар». Эстрада дастури. 13.25 Тижорат канали: «Элликқалъа — пахта заводи».

18.00 «Қора қуён». Мультфильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўлмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Видеофильм. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Ҳукумат тадбирлари». 21.40 «Рақслар гулдастаси». 22.15 «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

5.50 Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 Спорт ҳамма учун. 8.10 «Мусиқий асбоблар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 4-серия. «Ксилофон»

• 5, якшанба

УзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 «Шум бола». Бадиий фильм. 9.40 «Ўзанини топар дарёлар». Бадиий публицистик кўрсатув. 10.25 «Узбекистон спорти». 11.05 «Таълим ва маданий мерос». 11.45 Р. Муҳаммаджонов. «Давлат болалари». Жиззах область драма театрининг спектакли. 13.35 «Дўстлик тароналари». 14.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол».

18.00 «Леопольд исмли мушукчанинг саёҳати», «Леопольднинг автомобили». Мультфильмлар. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Табиат шайдолари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Фан» телеойномаси. 19.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Телевизион миниатюралар театри». Қизиқчи Ҳожибой Тожибоев билан ижодий учрашув. 22.05 «Маҳбубам, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

5.20 Кўрсатувлар тартиби. 5.25 «Руҳни чиниқтириш». 6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.40 «Қутичани очиб кўр», «Русские самоцветы» фирмаси ҳақида ҳужжатли фильм. 8.05 Мультфильм. 8.20 «Эрта саҳарлаб». 9.05 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.35 «Тонг юлдузи». 10.25 «ПИ» белгиси билан». 11.05 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион кўрсатувларининг IX Халқаро фестивали. 11.50 Киноафиша. 12.20 «Марафон-15». 13.00 «КТВ-1 ва «Франс интернасионал канали» таништиради: «Ёввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 5-фильм. 13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фильм.

14.00 Янгиликлар. 14.14 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бэнг-Бэнг» (Ирландия). 14.20 Мультфильм. 14.25 «Саёҳатчилар клуби». 15.15 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 15.55 «Бу бўлганди, бўлганди». 16.20 Очиқ мулоқот. 17.00 «Уолт Дисней таништиради...» 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.15 «Брэйнринг». 19.05 «Стэлла». Бадиий фильмининг презентацияси. 19.45 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ўтиб бораётган август». Бадиий фильм. 21.00 Якунлар. 21.45 Телелоция. 22.00 «Виват, Санкт-Петербург». Шаҳар туғилган кунига бағишланган тантаналар. 23.00 Янгиликлар. 23.15 Кўрсатувлар тартиби. 23.20 А. С. Пушкин. Дмитрий Журавлев ўқийди.

«Ўзбекистон овози» газетаси ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛ ИНСТИТУТИ
1992—1993 ўқув йили учун кундузги бўлимнинг биринчи курсига

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

I. Муҳандис-механик йўналишининг қуйидаги ихтисосликларига:

1. Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги (автомобиллардан техник фойдаланиш; автотранспорт корхоналарини қайта қуриш ва техник жиҳозлаш; автосервис; автотранспорт воситалари бўйича инженер-педагог).
2. Ички ёнув двигателлари.
3. Қўтаргич-транспорт, йўл, қурилиш машиналари ва жиҳозлари; (йўл машиналари ва жиҳозлари, кўтаргич транспорт машиналари ва жиҳозларидан фойдаланиш ҳамда уларни тузатиш; шаҳар хўжалиги ва чиқиндиларини қайта ишлаш учун машиналар).

II. Муҳандис-қурувчи йўналишининг қуйидаги ихтисосликларига:

1. Автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш (автомобиль йўллари; шаҳар йўллари ва кўчалари; аэродромлар).
2. Кўприклар ва транспорт тоннеллари (кўприклар; шаҳар транспорти иншоотлари).

III. Муҳандис-иқтисодчи йўналишининг қуйидаги мутахассисликларига:

1. Транспортда юк ва пассажирларни ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш (шаҳар транспортидан тижоратли фойдаланиш; халқаро ва шаҳарлараро автомобилларда юклар ва йўловчилар ташишни ташкил қилиш ва транспортни бошқариш).
2. Қурилиш иқтисоди ва уни бошқариш (йўл хўжалиги корхоналарининг маркетинги; таъминотини ташкил этиш ва товар биржалари; қурилишдаги менежмент).
3. Транспорт иқтисоди ва уни бошқариш (транспорт корхоналари маркетингни; транспортда таъминот ва биржа фаолиятини ташкил этиш; транспорт хизмати менежменти; транспорт корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятининг иқтисоди ва менежменти).
4. Йўл ҳаракатини ташкил қилиш (транспорт корхоналарида ҳаракат хавфсизлигини бошқариш; йўл ҳаракатини ташкил қилиш).

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Аризалар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади.
— Ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли;
— 086/У шаклидаги тиббий маълумотномаси;
— 3×4 см ўлчамли 6 та фотосурат;

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат кўрсатилади.

Кундузги бўлимга қабул имтиҳонлари эксперимент тарзида талабаларни танлаш ва қабул қилиш Республика маркази томонидан тестлаш асосида 1992 йил 5 августда олий билимгоҳда ўтказилади.

Талабалар сафига қабул қилиш тестлаш натижалари асосида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат комиссияси томонидан ўтказилади.

Тестлаш асосида ўтказиладиган қабул қоидалари ва тартиби тўғрисидаги батафсил маълумотларни рўзномалар, радио ва «зангори экран» орқали ҳамда олий билимгоҳ қабул ҳайъатидан билиш мумкин.

Қабул ҳайъатининг манзилгоҳи: 700000, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20 уй, ТАЙИ.

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

1992—1993 ўқув йили учун

кундузги (кд) ва кечки (к) бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

0708 — Қурилиш иқтисодиёти ва бошқарув (кд. к)
2906 — Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш (кд. к).
2907 — Иссиқлик, газ билан таъминлаш ва шамоллатиш (кд. к).
2908 — Сув билан таъминлаш, канализация, сув манбаларидан рационал фойдаланиш ва муҳофаза этиш (кд. к).
2903 — Саноат ва фуқаро қурилиши (кд. к).
2503 — Электр-кимёвий ишлаб чиқариш технологияси (кд. к).
2508 — Сопол ва ўтга чидамли металл материалларнинг кимёвий технологияси (кд. к).
2507 — Анорганик моддаларнинг кимёвий технологияси (кд. к).
3113 — Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (кд. к).
1201 — Машинасозлик технологияси (кд.).
0701 — Машинасозлик иқтисодиёти ва бошқарув (кд).
0716 — Ишлаб чиқаришни ташкил этиш (кд. к).
1501 — Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги (кд).
0711 — Транспорт иқтисоди ва уни бошқариш (кд).
2910 — Автомобиль йўллари ва аэродромлар қуриш (кд).
2401 — Юк ташишни ташкиллаштириш ва транспортда бошқарув (кд).

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

Жиззах политехника институтига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида яшовчи чет эллик фуқаролар қабул қилинади.

Институтга кирувчилардан аризалар қуйидаги муддатларда қабул қилинади:

Кундузги таълимга 25 июндан 31 июлгача.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълимга 20 июндан 31 июлгача.

Институтга кирувчилар ректор номига аризага қуйидагиларни қўшиб тақдим этишлари керак:
— Ўрта ёки олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асли;
— 086/У шаклидаги тиббий маълумотномаси;
— 3Х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат;
— Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчиларнинг аризасига қўшимча иш жойидан маълумотнома, иш фаолиятига эга бўлганларга меҳнат дафтарчасидан кўчирма бўлиши керак.

Кириш имтиҳонлари қуйидаги муддатларда ўтказилади:
— кундузги таълим 1 августдан;
— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълимга 10 августдан.

Институтга қабул қилиш кирувчиларнинг имтиҳонларда тўплаган баллари миқдори бўйича умумий танлов натижаларига қараб ўтказилади.

Институт тайёрлов бўлимининг битирувчилари битириш имтиҳонларида тўплаган баллар билан мазкур умумий танловда иштирок этишлари асосида қабул қилинадилар.

Кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олган қуйидаги шахслар танловдан ташқари қабул қилинади:
— ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзларга эгалик тўғрисидаги ҳужжат билан захирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар;
— етимлар ва ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
— олий ўқув юртида ўқиши мумкин бўлган (шифокорлар, меҳнат эксперт ҳайъатларининг хулоса ҳужжати асосида) 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари.

Кириш имтиҳонлари танланган мутаҳассисликларига қараб топширилади:

ТЕХНИКАВИЙ ВА МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТИ — математика (ёзма), физика (ёзма) ва ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма);

КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТЕХНОЛОГИК МУТАХАССИСЛИКЛАР: кимё (ёзма), математика (ёзма) ва ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма).

Ўзбек (рус) тили ва адабиётидан ҳамма мутахассисликлар бўйича имтиҳон: диктант шаклида ўтказилиб, беш баллик системада баҳоланади.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаллар, ўрта махсус ўқув юртларини ёки ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли дипломлар билан тамомлаганлар битта имтиҳон топширадилар: **техникавий ва инженерлик иқтисодиёти мутахассисликларида** — математика (ёзма), **кимё — технологияси ва технологик мутахассисликларида** — кимё (ёзма).

«Беш» баҳо олинган тақдирда улар бошқа имтиҳонлардан озод этиладилар ва олий ўқув юртига қабул қилинадилар, «тўрт» ёки «уч» баҳо олинган тақдирда мутахассислик бўйича белгиланган қолган имтиҳонлар ҳам топширилади.

Ўрта таълим базасида ҳунар-техника билим юртини аъло диплом билан битирган шахслар фақат ўзи эгаллаган соҳа мутахассислигига кираётган ҳолда мазкур тартибга амал қилинади.

Барча кириш имтиҳонлари ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув дастурлари асосида ўтказилади.

Институтда Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг буюртмалари ҳамда бошқа мустақил давлатларнинг шартномалари асосида мақсадли қабул ташкил этилади.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ: 708000, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси, тел. 3-46-05.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 64583. Буюртма № Г—182. № 126.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.